



Ипотека кредитлари таҳлили

2020 йил ва 2021 йил 1 чораги учун

МУНДАРИЖА

Ўзбекистонда ипотека бозоридаги кредитлар ҳолати	2
2021 йил I чорагида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари	7
Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари	11
Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари	15
Ажратилган ипотека кредитларининг муаммоли қарздорликлари таҳлили	16
Иловалар	21

Ўзбекистонда ипотека бозоридаги кредитлар ҳолати


Сўнгги йилларда уй-жойга бўлган талабнинг ошиб бориши ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ипотека кредитлар ҳажмининг кескин ошишига сабаб бўлди.

Хусусан, ипотека кредитлари қолдиғи 2018 йил 1 январь ҳолатига **9,7 трлн. сўм**ни ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига **3 баробарга кўпайиб, 28,3 трлн. сўмга** етди. Шунингдек, ипотека шартномалари сони **121,7 минг** донадан **238,4 минг** донага етиб, қарийб **2 баробарга** ошган.

1 - расм

Ипотека шартномалари сони,
минг дона

Ипотека кредитлари қолдиғи,
трлн. сўмда



Бунда, ипотека кредитлари ҳажми ва унга бўлган талабнинг ошиши:

○ Мамлакатда аҳоли сонининг ўсиб бориши (сўнгги 4 йилдаги ўртача ўсиш *1,8 фоизни ташкил этмоқда*);

○ республикада инвестицион фаоллик ва уй-жой қурилиши суръатларининг ошганлиги;

○ аҳоли реал даромадларининг (сўнгги 4 йилдаги ўртача йиллик ўсиш *6,9 фоизга тенг*) ошиб бораётганлиги;

○ Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида худудларда урбанизация даражасининг ортиб бориши ва уй-жой қурилиши учун зарур инфратузилмаларнинг кенгайиши;

○ бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тизимининг жорий этилиши натижасида тижорат банклари ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбаи билан таъминланаётганлиги;

○ яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ва улушдор жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитларининг соддалаштирилганлиги билан изоҳланиши мумкин.

2017-2020 йилларда жами **220,2** минг нафар фуқароларга умумий қиймати **25,8** трлн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган. Хусусан, 2020 йилда

77,3 минг нафар фуқароларга **9,1** трлн. сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг сони 2017 йилдаги кўрсаткичга нисбатан **2,1** бараварга ўсди.

2 - расм


Ажратилган ипотека кредитлари сони,

минг дона



Ажратилган ипотека кредитлари ҳажми,


трлн.сўмда



Ҳудудлар кесими бўйича қаралганда, 2020 йилда ажратилган ипотека кредитларининг 64 фоизи 5 та ҳудудлар ҳиссасига тўғри келиб, бунда **35** фоизи (3,183,7 млрд. сўм) **Тошкент шаҳри**, **10** фоизи (871,8 млрд. сўм) **Самарқанд** вилояти, **8** фоизи (690,6 млрд. сўм) **Тошкент** вилояти ҳамда **6** фоизи (534,3 млрд. сўм) **Қорақалпоғистон Республикаси** ҳиссасига тўғри келмоқда. (3-расм).


3 - расм

2021 йил 1 январь ҳолатига ҳудудларнинг ажратилган ипотека кредитлари миқдори ва қолдиғидаги улуши, фоизда



Таъкидлаш жоизки, мазкур даврда кўчмас мулк бозоридаги фаоллик асосан молиявий цикл билан боғлиқ бўлиб, кўчмас мулк бозорида ипотека кредитлари асосида сотилган уй-жойлар сонининг жами кўчмас мулк олди-сотдисидаги улуши 2017 йилдаги **22** фоиздан 2020 йилда **34** фоизгача ошган. (4-расм).


2017-2020 йилларда ипотека кредити асосида сотиб олинган уй-жойларнинг жами кўчмас мулк олди-сотдисидagi улуши, фоизда



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Адлия вазирлиги маълумотлари

2020 йилда Ўзбекистонда ипотека кредитлари қолдиғининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **4,9** фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич Қозоғистонда **5,3** фоизни, Руминияда **8,5**, Венгрияда **9,1** ва Россия Федерациясида **9,4** фоизни ташкил қилди. (5-расм).


2020 йилда ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг ялпи ички маҳсулотга нисбати, фоизда



Давлатлар кесимидаги солиштирма таҳлиллар ипотека кредитлари ҳажмининг ЯИМга нисбати аҳоли даромадларига нисбатан юқори эластиклик характериغا эгалигини кўрсатиб, ўрта ва ундан қуйи даромадли давлатларда шу жумладан **Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия ва Болгарияда** ипотека кредитларининг ЯИМга нисбати **10** фоиздан ошмаган ҳолда шаклланган. (6-расм).


6-расм

2021 йил 1 январь ҳолатига айрим давлатларда ипотека кредитлари қолдиғи ва аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми ўртасидаги боғлиқлик




2020 йилда ипотека кредитлари қолдиғининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши **Қорақалпоғистон Республикаси (9,1 фоиз), Жиззах (8,4 фоиз), Сурхондарё (8,3 фоиз)** ҳамда **Сирдарё** вилоятларида (7,9 фоиз) нисбатан юқори шаклланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар **Навоий (2,4 фоиз), Тошкент (3,8 фоиз), Бухоро (4,4 фоиз)** ва **Андижон (4,5 фоиз)** вилоятларида кузатилди. (7-расм).

2020 йилда ажратилган ипотека кредитлари ва уларни қолдиғининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, фоизда



Ўтган йилда **36 134** нафар фуқаролар томонидан **1 207,2** млрд. сўм миқдоридagi ипотека кредитлари, жумладан, **Тошкент шаҳрида 274,7** млрд. сўм (жами сўндирилган ипотека кредитларининг 22,8 фоизи), **Қашқадарёда 146,4** млрд. сўм (*12,1 фоиз*), **Қорақалпоғистон Республикасида 128,5** млрд. сўм (*10,6 фоиз*) ва **Андижонда 89,3** млрд. сўм (*7,4 фоизи*) сўндирилди. (8-расм).

2020 йилда сўндирилган жами ипотека кредитлари миқдори, млрд. сўмда




2021 йил I чорагида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

2021 йил I чорагида тижорат банклари томонидан аҳолига умумий қиймати **1 578,3** млрд. сўм миқдоридан ипотека кредитлари ажратилиб, мазкур кредитларнинг **455,5** млрд. сўми (жами ажратилган ипотека кредитларининг 28,8 фоизи) **Тошкент шаҳри**, **144,5** млрд. сўми (*9,1 фоизи*) **Андижон**, **127,9** млрд. сўми (*8,1 фоизи*) **Фарғона** ва **122,9** млрд. сўми (*7,8 фоизи*) **Сурхондарё** вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. (9-расм).

9-расм.


2021 йил I чорагида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




2021 йил 1 апрель ҳолатига ипотека кредитлари сони **243** минг нафардан ошиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **18** фоизга (*36,9 мингтага*), ипотека кредитлари қолдиғи эса **29,4** трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,1** трлн сўмга (*31,8 фоизга*) ошди. (10-расм).

10-расм.

Ипотека кредитлари қолдиғи, минг дон




Ипотека кредитлари қолдиғи, трлн. сўмда



2021 йил 1 апрель ҳолатига жами кредитлар қолдиғи **283,4** трлн. сўмни ташкил этиб, ипотека кредитларининг жами кредит қолдиғидаги улуши **10,4** фоизга тенг бўлди. (11-расм).

11-расм


Жами кредит портфелида ипотека кредитлари қолдиғининг улуши, фоизда



Ҳудудлар кесимида, **Тошкент шаҳрида** ипотека кредитлари қолдиғи **6,2** трлн. сўмни (ҳудуднинг жами кредит қолдиғидаги улуши 4,6 фоиз), **Самарқандда 2,7** трлн. сўм (*17,7 фоиз*), **Тошкент вилоятида 2,4** трлн. сўм (*13,6 фоиз*), **Қашқадарёда 2,3** трлн. сўм (*20,6 фоиз*), **Сурхондарёда 2,0** трлн. сўмни (*17,7 фоиз*) ташкил этди. (12-расм).

12-расм.


2021 йил 1 апрель ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғининг жами кредит портфелидаги улуши, фоизда



Тижорат банклари кесимида, ушбу кўрсаткич **Қишлоқ қурилиш банкда 49,0** фоизни (*2020 йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 фоизга камайган*), **Ипотека-банкда 37,2** фоизни (+ 5,8 фоиз), **Асакабанкда 8,7** фоизни (-0,8 фоиз), **Халқ банкида 7,5** фоизни (-0,3 фоиз), **Ўзсаноатқурилишбанкда 7,3** фоизни (+0,4 фоиз) ва **бошқа тижорат банкларида ўртача 0,9** фоизни ташкил этмоқда. (13-расм).

13-расм

Ипотека кредитларининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши, фоизда



Жорий йил I чорагида ажратилган ипотека кредитларининг **24** фоизи (378,7 млрд. сўм) 18-30 ёшгача, **71** фоизи (1121,0 млрд. сўм) 31-50 ёшгача, **5** фоизи (79,0 млрд. сўм) эса 50 ёшдан юқори фуқароларга ажратилган. (14-расм).


14-расм

2021 йил I чорагида ажратилган ипотека кредитлари миқдорларининг ёш бўйича таснифи, фоизда



Шунингдек, ипотека кредитларининг **1 350,0** млрд. сўми (*жами ажратилган кредитларнинг 86 фоизи*) **бирламчи** бозордаги уйларни (*жумладан, 787,4* млрд. сўми *янги тартиб* доирасида ажратилган ҳамда **378,7** млрд. сўми **“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК** ҳамда **“Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК** томонидан қурилган уйларга), **228,4** млрд. сўми эса **иккиламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун ажратилган.


**Ипотека кредити қолдиғида тижорат банкларининг
улуши, фоизда**




2021 йил 1 апрель ҳолатига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг **30,9** фоизи (*9,0 трлн. сўм*) **Ипотека банк**, **23,8** фоизи (*6,9 трлн. сўм*) **Қишлоққурилишбанк**, **11,6** фоизи (*3,4 трлн сўм*) **Миллийбанк**, **10,5** фоизи (*3,0 трлн. сўм*) **Асакабанк**, **9,8** фоизи (*2,8 трлн. сўм*) **Ўзсаноатқурилишбанк**, **5,0** фоизи (*1,5 трлн. сўм*) **Халқ банки** ҳамда **8,5** фоизи (*2,5 трлн. сўм*) **бошқа тижорат** банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. (15-расм).

Жорий йил 1 апрель ҳолатига мавжуд **29,4** трлн. сўм миқдоридagi ипотека кредитлари қолдиғининг **38,5** млрд. сўми (*жами ипотека кредити қолдиғининг 0,1 фоизи*) **5 йил**, **115,6** млрд. сўми (*0,4 фоизи*) **7 йил**, **1 214,6** млрд. сўми (*4,1 фоизи*) **10 йил**, **4 460,1** млрд. сўми (*15,2 фоизи*) **15 йил**, **23 560,7** млрд. сўми (*80,2 фоизи*) **20 йилгача** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келган. (16-расм)

**Ипотека кредити портфелининг
муддатлар бўйича таҳлили, фоизда**



**Ипотека кредити портфелининг
муддатлар бўйича таҳлили, сони**



Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони соҳада амалга оширилаётган янги ислохотлар учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан жорий этилган **янги тартибнинг** мантикий давоми бўлиб, қуйидаги муҳим афзалликлари билан аҳолига қулайликлар яратади.

1) Фармонга асосан ипотека кредити орқали бирламчи уй-жой бозорида квартираларни сотиб олиш ҳамда якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва реконструкция қилиш учун бошланғич бадал миқдори **15** фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланди;

2) Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари **6** ойлик **имтиёзли давр** билан **20** йил муддатга ажратилади;

3) дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг **10** фоизи миқдорида **шаҳар ва қишлоқ жойларда** субсидиялар ажратилади;

4) фуқаролар ўзларининг хоҳишига кўра ипотека кредити бўйича тўловларни **аннуитет ёки дифференциал усулида** амалга оширади;

5) жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ажратилади;


Бунда, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга ипотека кредити бўйича дастдабки 5 йил давомида фоиз ставкасининг 10 фоиздан ортган қисмини қоплаш учун давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади. Шунингдек, фуқаролар уй-жой қурилишини ўз кучи билан хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда амалга ошириши мумкин.

б) улушдор жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитлари Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган ресурс маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштирилади;

7) маҳаллий ҳокимликлар томонидан **1000** та квартира сотиб олинади ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ижарага берилади.


2021 йил I чорагида **янги тартиб** доирасида **3 698** нафар фуқароларга жами **787,4** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг **375,2** млрд. сўми (**47,6** фоизи) **1** ва **2** хонали квартира, **412,2** млрд. сўми эса (**52,3** фоизи) **3** ва **ундан кўп** хонали квартираларни сотиб олиш учун берилган. (17-расм).

Янги тартиб доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Ажратилган мазкур ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Тошкент шаҳри** (120,0 млрд. сўм), **Самарқанд** вилояти (119,0 млрд. сўм), **Андижон** вилояти (98,0 млрд. сўм) ҳамда **Сурхондарё** вилоятлари (89,0 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. (18-расм).

Янги тартиб доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



2020 йилда ҳамда жорий йил I чорагида **янги тартиб** доирасида **2,5** трлн. сўм ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг **29** фоизи (*3 370 нафар фуқароларга 743,1 млрд. сўм*) уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилди.


Мазкур кредитларнинг **298,2** млрд. сўми (*40,1 фоизи*) **Самарқанд**, **94,3** млрд. сўми (*12,7 фоизи*) **Сурхондарё**, **71,6** млрд. сўми (*9,6 фоизи*) **Бухоро**, **71,5** млрд. сўми (*9,6 фоизи*) **Фарғона** вилоятларида истиқомат қилувчи уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож фуқаролар хиссасига тўғри келади.

2021 йил I чорагида ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **18,2** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,6** фоиз бандга пасайган.

2020 йилда ҳамда 2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитларини ўртача энг паст фоиз ставкаси жорий йил январь ойида кузатилиб, **17,5** фоизни ташкил этди. (19-расм).

19-расм

2020 йил – 2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, фоизда



Янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитлари ўртача фоиз ставкасининг пасайиш тенденциясига эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлар фоизлари мос равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши бўйича белгиланган тартиб билан изоҳланади.

2020 йил-2021 йил I чорагида инфляция даражаси ва Марказий банкнинг асосий ставкасининг ўзгариши динамикаси, фоизда



Хусусан, 2020 йилда инфляциянинг пасайиб бориши (2019 йилдаги 15,2 фоиздан 11,1 фоизгача пасайиши) натижасида Марказий банк асосий ставкаси **16** фоиздан **14** фоизга туширилди ва бу ўз навбатида, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келди. (20-расм).

Шу билан бирга, Молия вазирлиги томонидан янги тартиб доирасида иштирокчи тижорат банкларига тақдим этилаётган ресурс маблағлари тижорат банкларига аҳолининг ипотека кредитларига бўлган талабини ўз вақтида қоплашга ҳамда тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, ипотека кредитлари фоиз ставкасининг пасайишига омил бўлади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон “Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган 2023 йилгача 5 фоизлик инфляция мақсадга эришиш вазифаси белгиланган.

Келгусида инфляция даражасининг тушиши Марказий банк асосий ставкаси ва янги тартиб доирасида ажратиладиган ипотека кредитлари фоизининг мутаносиб тарзда пасайишига иқтисодий асос бўлади.

Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан бугунги кунда **7 та** тижорат банклари (*Ипотека банк, Асака банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоққурилишбанк, Агробанк, Туронбанк ва Ҳамкорбанк*) томонидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан **бирламчи** ва **иккиламчи** уй-жой бозорларида **квартиралар сотиб олиш** (323,0 млн. сўмгача) ҳамда **таъмирлаш** учун (80,0 млн. сўмгача) ипотека кредитлари ажратилмоқда.

Жорий йил I чорагида тижорат банклари томонидан мазкур компания ресурс маблағлари ҳисобидан **1 059** нафар фуқароларга **183,5** млрд. сўм миқдоридagi ипотека кредитлари ажратилди. Мазкур ипотека кредитларининг **99,3** фоизи (182,3 млрд. сўм) **иккиламчи** бозордан, **0,3** фоизи (0,5 млрд. сўм) **бирламчи** бозордан уй-жойлар харид қилиш учун, шунингдек, **0,4** фоизи (0,7 млрд. сўми) **уй-жойларни таъмирлаш** учун йўналтирилган.

Ажратилган кредитларнинг **28,8** фоизи (52,9 млрд. сўм) **Тошкент шаҳри**, **11,3** фоизи (20,9 млрд. сўм) **Навоий**, **10,2** фоизи (18,8 млрд. сўм) **Тошкент вилоятлари**, **9,1** фоизи (16,8 млрд. сўм) **Қорақалпоғистон Республикаси**, **7,6** фоизи (14,0 млрд. сўм) **Хоразм** вилоятида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳиссасига тўғри келади. (21-расм).

21-расм

2021 йил I чорагида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Тўлов муддат 90 кундан ортиқ вақт давомида қайтарилмаётган кредит қарздорлиги таҳлили

Жорий йил I чорак натижаларига кўра, жами ажратилган ипотека кредитлари бўйича 90 кундан ортиқ вақт давомида қайтарилмаётган кредит қарздорлиги миқдори (кейинги ўринларда муаммоли кредитлар деб юритилади) **414,8** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **359,4** млрд. сўмга, жорий йил бошига нисбатан эса **121,3** млрд. сўмга кўпайган. (1-жадвал).

1-жадвал

Ажратилган ипотека кредити қолдиғи ва муаммоли кредитлар миқдори, млрд. сўмда


Муддат	Ипотека кредити қолдиғи	Муаммоли кредит	Муаммоли кредит қолдиғининг ўтган чоракка нисбатан кўпайиши
01.04.2020 йил	22 276,4	55,4	0
01.07.2020 йил	24 594,5	115,8	60,4
01.10.2020 йил	26 050,3	215,5	99,7
01.01.2021 йил	28 260,1	293,2	77,7
01.04.2021 йил	29 389,7	414,8	121,6

2021 йил 1 апрель ҳолатига **ипотека кредитлари қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32** фоизга ўсган бўлса, **муаммоли кредитлари миқдори қарийб 7,5** баробарга ошди. Мазкур ҳолат пандемия туфайли аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиши билан изоҳланиши мумкин.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига 2020 йилнинг мос даврига нисбатан муаммоли кредитлар миқдорининг жами кредит қолдиғига нисбати **2,3** фоиздан **3,6** фоизга ошган бўлса, ушбу кўрсаткич ипотека кредитлари бўйича **0,3** фоиздан **1,4** фоизгача ошган. (22-расм).

22-расм

Муаммоли кредитлар миқдори (NPL)нинг жами кредит қолдиғига нисбати, фоизда



Шунингдек, жами муаммоли кредитлар қолдиғининг умумий ипотека кредити қолдиғидаги улуши **6,6** фоизни (*1 931,7 млрд. сўм*) ташкил этди.


Жами ипотека кредитлари қолдиғи таркибида марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг қолдиғининг улуши **72,2** фоизга (*21,2 трлн. сўм*), тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар қолдиғи улуши эса **27,8** фоизга (*8,2 трлн. сўм*) тенг бўлди.

Марказлашган маблағлар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитлар миқдорининг жами кредит қолдиғидаги улуши **0,7** фоизни этган бўлса, ушбу кўрсаткич тижорат банклари маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **3,3** фоизни ташкил этмоқда.

Таҳлиллар муаммоли кредитлар миқдорининг (NPL) нисбатан юқори кўрсаткичлари **Қорақалпоғистон Республикасида 2,8** фоизни (*54,6 млрд.сўм*), **Андижонда 2,8** фоизни (*51,2 млрд.*), **Сирдарёда 2,5** фоизни (*25,5 млрд. сўм*), **Самарқандда (61,0 млрд. сўм)** ва **Сурхондарёда 2,3** (*47,2 млрд. сўм*) фоизни ташкил этаётганлигини кўрсатди. (23-расм).


23-расм

2021 йил 1 апрель ҳолатига муаммоли кредитлар миқдорининг (NPL) жами ипотека кредити қолдиғига нисбати, фоизда




Тижорат банклари кесимида, муаммоли кредит қолдиғининг жами ипотека кредити қолдиғидаги улуши **Миллий банкда 3,8** фоизга (*129,2 млрд. сўм*), **Асакабанкда 2,0** фоизга (*61,0 млрд. сўм*), **Микрокредитбанкда 1,6** фоизга (*5,7 млрд. сўм*) ҳамда **Халқ банкида 1,5** фоизга (*21,3 млрд. сўм*) тенглиги кузатилди. (24-расм).

Муаммоли кредит миқдорининг (NPL) жами ипотека кредити қолдиғига нисбати, фоизда




Ҳисобот даврида муаммоли кредит миқдорининг улуши Самарқандда **14,7** фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида **13,2** фоизни, Андижонда **12,3** фоизни ҳамда Сурхондарёда **11,4** фоизни ташкил этди. (25-расм).

2021 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудларнинг муаммоли кредит миқдоридаги улуши, фоизда



Ўрганишлар жами кредит қолдиғининг **0,3** фоизи (*102,8 млрд. сўм*) **2010** йилгача, **16,3** фоизи (*4 782,6 млрд. сўм*) **2011-2016** йиллар давомида, **83,4** фоизи (*24 504,3 млрд. сўм*) **2017** йилдан жорий йил 1 апрелига қадар ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда. (26-расм)


Жами кредит қолдиғининг муддатлар бўйича таҳлили, фоизда



2010 йилгача ажратилган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитлар миқдори (NPL) мазкур кредитларнинг қолдиғига нисбати **4,7** фоизни ташкил этаётган бўлса, ушбу кўрсаткич **2011-2016 йилларда** ажратилган ипотека кредитлари учун **2,5** фоизни, **2017 -2020 йиллар ва 2021 йил I чораги** бўйича эса **1,2** фоизни ташкил этмоқда.

Шунингдек, жорий йил I чорақ якунлари бўйича **279,7** минг нафар фуқароларнинг жами **456,8** млрд. сўм (*кредит графигига нисбатан 48 фоизга ёки 148 млрд. сўмга кўп*) миқдоридаги ипотека кредитлари сўндирилди.

2021 йил I чорагида сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда




Сўндирилган ипотека кредитларнинг **27,8** фоизи (*126,9 млрд. сўм*) **Тошкент шаҳри**, **9,3** фоизи (*42,7 млрд. сўм*) **Самарқанд**, **8,7** фоизи (*39,9 млрд. сўм*) **Қашқадарё**, **7,0** фоизи (*31,8 млрд. сўм*) **Тошкент вилоятлари** ҳиссасига тўғри келмоқда. (28-расм).

Таҳлилларга кўра, 2021 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларнинг **708,5** млрд. сўми, жумладан, **Тошкент шаҳрида 113,4** млрд. сўм (жами сўндирилиши кутилаётган ипотека кредитларининг 16,0 фоизи), **Қашқадарё** вилоятида **71,0** млрд. сўм (*10,0 фоизи*), **Қорақалпоғистон Республикасида 69,0** млрд. сўм (*9,7 фоизи*), **Сурхондарё** вилоятида **63,0** млрд. сўм (*8,8 фоиз*) тўлиқ сўндирилиши кутилмоқда. (29-расм).

29-расм


2021 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг сўндирилиши кутилаётган миқдори, млрд. сўмда



Таъкидлаб ўтиш жоизки, пандемия даврида **118,1** минг нафар фуқаролар томонидан тўланиши лозим бўлган **448,3** млрд. сўм миқдоридagi ипотека кредити қарздорликларининг **79,4** фоизининг (*356 млрд. сўм*) тўлов муддатлари узайтирилди. (30-расм).

30-расм

Пандемия даврида тўланиши лозим бўлган ипотека кредити тўловлари ва тўлов муддати узайтирилган тўловлар



2017-2020 йилларда аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

	Худудлар номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан								Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.04.2021 й.)
				2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
ЖАМИ		220 215	25 970,9	36 124	4 082,3	39 556	4 788,7	67 261	7 977,5	77 274	9 122,3	28 260,1
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16 443	1 842,5	2 651	284,7	2 977	370,2	5 538	653,2	5 277	534,3	1 926,8
2	Андижон вилояти	10 997	1 349,3	1 715	184,6	1 965	231,9	3 950	475,7	3 367	457,1	1 693,8
3	Бухоро вилояти	11 647	1 292,1	2 266	260,2	2 380	287,5	3 433	444,2	3 568	300,2	1 342,7
4	Жиззах вилояти	10 680	1 308,1	1 893	191,9	2 011	214,7	3 579	519,4	3 197	382,0	1 468,9
5	Қашқадарё вилояти	20 844	2 092,2	4 395	534,9	4 693	620,8	5 061	500,7	6 695	435,8	2 325,8
6	Навоий вилояти	8 880	890,5	1 851	165,1	2 036	201,8	2 218	185,8	2 775	337,8	1 167,8
7	Наманган вилояти	13 202	1 206,0	2 050	191,6	2 309	226,0	4 473	468,6	4 370	319,8	1 360,0
8	Самарқанд вилояти	19 683	2 366,3	3 394	406,1	3 598	441,6	6 199	646,8	6 492	871,8	2 581,1
9	Сурхондарё вилояти	15 542	1 780,3	2 442	300,5	2 659	348,7	4 587	543,3	5 854	587,7	2 001,1
10	Сирдарё вилояти	6 914	781,3	1 254	121,5	1 320	148,2	2 125	194,4	2 215	317,2	968,3
11	Тошкент вилояти	21 363	2 120,4	2 788	234,8	3 480	329,8	7 593	865,3	7 502	690,6	2 355,9
12	Фарғона вилояти	17 727	1 686,6	2 909	311,5	3 282	375,3	5 707	502,9	5 829	496,8	1 928,3
13	Хоразм вилояти	10 797	957,4	1 777	218,5	1 833	253,5	2 798	277,9	4 389	207,4	1 255,0
14	Тошкент шаҳри	35 496	6 298,0	4 739	676,5	5 013	738,6	10 000	1 699,1	15 744	3 183,7	5 884,4

2017-2020 йилларда аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан								Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.04.2021 й.)
				2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
ЖАМИ		220 215	25 970,9	36 124	4 082,3	39 556	4 788,7	67 261	7 977,5	77 274	9 122,3	28 260,1
1	Ипотекабанк	77 491	8 937,7	12 309	1 277,0	12 767	1 406,3	19 652	2 616,9	32 763	3 637,5	8 550,4
2	Асакабанк	23 531	3 004,0	3 024	364,2	3 384	422,8	9 820	1 146,1	7 303	1 070,9	3 093,3
3	Миллийбанк	28 539	2 925,6	5 282	593,8	6 282	745,5	8 068	812,1	8 907	774,2	3 411,8
4	Ўзсаноатқурилишбанк	21 401	2 867,0	2 959	339,1	3 227	394,8	8 428	988,1	6 787	1 144,9	2 827,2
5	Халқ банки	14 237	1 409,6	2 728	308,1	2 952	380,3	4 420	331,2	4 137	389,9	1 362,9
6	Алоқабанк	1 995	400,5	440	79,6	526	94,8	595	120,7	434	105,3	372,7
7	Қишлоққурилишбанк	43 362	4 404,8	8 004	872,6	8 853	1 055,9	12 951	1 370,7	13 554	1 105,6	6 809,8
8	Микрокредитбанк	1 977	368,5	451	70,5	512	80,5	345	66,6	669	150,9	310,0
9	Агробанк	1 093	252,9	68	10,6	71	11,5	385	79,0	569	151,8	283,1
10	Турунбанк	922	212,7	50	8,5	64	10,3	351	75,6	457	118,2	223,8
11	Бошқа банклар	5 667	1 187,6	809	158,2	918	185,9	2 246	370,4	1 694	473,1	1 015,2

Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи

2021 йил 1 апрель ҳолатига

млн. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ипотека қолдиғи		шундан,									
				банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан		бюджет маблағлари ҳисобидан		Молия вазирлиги маблағлари		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси		Марказий банкнинг маблағлари ҳисобидан	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		243 267	29 389 693	71 839	8 172 755	157 256	18 352 496	11 614	2 487 851	1 371	239 950	1 187	136 642
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16 318	1 965 265	7 301	955 270	8 456	908 526	424	80 694	137	20 775	0	0
2	Андижон вилояти	17 271	1 814 860	4 526	403 260	11 571	1 169 374	946	212 264	50	10 647	178	19 315
3	Бухоро вилояти	13 255	1 407 033	3 273	290 086	9 137	964 428	794	143 805	51	8 715	0	0
4	Жиззах вилояти	11 866	1 504 946	3 201	475 966	8 382	969 514	206	50 348	18	2 641	59	6 477
5	Қашқадарё вилояти	21 723	2 339 139	8 107	832 540	13 126	1 420 572	324	66 193	47	6 853	119	12 982
6	Навоний вилояти	12 399	1 238 639	3 401	242 724	7 678	757 718	1 026	199 377	145	23 235	149	15 585
7	Наманган вилояти	14 290	1 424 357	3 205	252 720	10 316	1 045 494	609	106 689	70	10 320	90	9 133
8	Самарқанд вилояти	21 911	2 658 427	5 378	538 000	14 174	1 588 431	2 183	506 221	29	5 159	147	20 615
9	Сурхондарё вилояти	17 844	2 091 963	6 328	755 036	10 323	1 083 538	963	223 945	19	4 335	211	25 110
10	Сирдарё вилояти	9 077	1 020 500	2 575	286 965	6 323	696 853	98	26 961	21	3 277	60	6 444
11	Тошкент вилояти	20 048	2 379 360	3 884	401 479	15 586	1 878 234	319	61 276	206	32 209	53	6 163
12	Фарғона вилояти	19 343	2 026 954	4 899	424 427	13 086	1 341 769	1 277	250 157	81	10 601	0	0
13	Хоразм вилояти	12 966	1 284 280	3 278	240 858	9 169	960 235	301	51 454	98	16 915	120	14 818
14	Тошкент шаҳри	34 956	6 233 970	12 483	2 073 424	19 929	3 567 810	2 144	508 468	399	84 268	1	0

Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи

2021 йил 1 апрель ҳолатига

млн. сўмда

№	Тижорат банклар номи	Жами ипотека қолдиғи		шундан,									
				банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан		бюджет маблағлари ҳисобидан		Молия вазирлиги маблағлари		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси		Марказий банкнинг маблағлари ҳисобидан	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		243 267	29 389 693	71 839	8 172 755	157 256	18 352 496	11 614	2 487 851	1 371	239 950	1 187	136 642
1	Ипотекабанк	60 639	9 080 669	10 613	1 378 449	45 280	6 717 650	4 348	919 612	397	64 958	1	
2	Асакабанк	22 895	3 077 534	8 297	889 504	13 529	2 027 503	380	80 128	32	5 761	657	74 639
3	Миллийбанк	30 427	3 414 825	8 001	892 450	21 029	2 256 521	1 016	224 655			381	41 199
4	Ўзсаноатқурилишбанк	19 829	2 881 787	5 682	760 476	13 327	1 951 723	508	111 364	312	58 223		
5	Халқ банки	13 570	1 457 103	7 303	652 810	5 294	593 289	825	190 201			148	20 804
6	Алоқабанк	2 715	369 387	2 568	337 230			147	32 157				
7	Қишлоққурилишбанк	80 442	6 994 129	19 670	1 808 892	58 746	4 803 346	1 806	342 864	220	39 027		
8	Микрокредитбанк	2 128	358 440	1 458	227 537	44	1 995	626	128 908				
9	Агробанк	2 409	338 541	1 746	199 703	2	61	541	117 450	120	21 327		
10	Туронбанк	1 521	256 124	1 261	198 996			206	46 295	54	10 833		
11	Бошқа банклар	6 692	1 161 154	5 240	826 709	5	408	1 211	294 217	236	39 820		

2021 йил I чорагида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича					фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	Марказий банк маблағлари	йиллик 16 фоизгача	йиллик 17 фоиздан юқори
				сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
ЖАМИ		12 124	1 578,3	1 349,9	228,4	235,8	378,7	783,9	179,9	0,01	702,2	876,1
1	Қорақалпоғистон Республикаси	597	66,1	55,0	11,1	13,2	11,0	25,0	16,9		30,2	35,9
2	Андижон вилояти	1 052	144,5	131,1	13,3	7,9	27,5	99,5	9,6	0,01	64,9	79,6
3	Бухоро вилояти	635	83,2	75,5	7,7	0,8	21,6	52,6	8,2		44,5	38,7
4	Жиззах вилояти	499	51,9	50,9	1,0	5,5	29,2	15,4	1,9		42,5	9,4
5	Қашқадарё вилояти	653	50,7	43,5	7,2	2,2	13,4	28,6	6,4		21,6	29,1
6	Навоний вилояти	729	89,6	70,7	18,8	2,2	13,3	56,2	17,9		17,2	72,4
7	Наманган вилояти	706	77,7	70,2	7,5	1,6	14,2	54,0	8,0		28,2	49,5
8	Самарқанд вилояти	538	111,8	108,1	3,7	1,6	2,0	103,8	4,4		31,0	80,7
9	Сурхондарё вилояти	1 045	122,9	120,8	2,0	17,5	18,5	83,6	3,3		56,3	66,6
10	Сирдарё вилояти	587	64,5	62,0	2,5	19,0	34,7	7,9	2,9		57,6	6,9
11	Тошкент вилояти	714	84,1	64,2	19,9	18,4	20,6	22,2	22,9		24,5	59,6
12	Фарғона вилояти	1 155	127,9	122,5	5,3	8,4	23,3	86,1	10,0		54,0	73,9
13	Хоразм вилояти	774	47,8	36,0	11,8	1,5	18,3	14,1	13,9		20,3	27,5
14	Тошкент шаҳри	2 440	455,5	339,1	116,4	136,1	131,0	135,0	53,4		209,2	246,3

2021 йил I чорагида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Банклар номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича					фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	Марказий банк маблағлари	йиллик 16 фойзгача	йиллик 17 фойздан юқори
				сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
ЖАМИ		12 124	1 578,3	1 349,9	228,4	235,8	378,7	783,9	179,9	0,01	702,2	876,1
1	Ипотекабанк	5 830	634,5	584,7	49,8	55,3	230,7	311,4	37,1		339,1	295,4
2	Асакабанк	229	29,0	26,4	2,6	3,9	5,2	14,1	5,8	0,01	15,9	13,1
3	Миллийбанк	925	82,4	82,0	0,4	9,6	32,9	40,0			37,1	45,3
4	Ўзсаноатқурилишбанк	514	92,5	57,9	34,6	7,4	23,6	27,6	33,9		48,7	43,8
5	Халқ банки	639	90,2	88,3	1,9	17,4	11,0	61,8			66,5	23,7
6	Алоқабанк	49	11,5	11,5		3,1		8,4			3,2	8,3
7	Қишлоққурилишбанк	2 552	297,7	274,2	23,5	26,9	75,4	162,0	33,5		134,6	163,2
8	Микрокредитбанк	253	53,6	53,6		5,9		47,7			9,8	43,7
9	Агробанк	272	52,9	44,2	8,7	0,5		33,8	18,7		0,3	52,6
10	Туронбанк	166	39,7	28,9	10,8	21,5		7,4	10,8		10,4	29,3
11	Бошқа банклар	695	194,3	98,3	96,0	84,4		69,7	40,1		36,7	157,6

2020 йил ва 2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси
маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худуд номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан,							
				янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиламчи бозорга	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		13 017	2 780,6	11 625	2 534,4	3 370	743,1	1 392	246,2	1 372	243,1
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4 424	939,2	4 290	918,7	7	1,4	134	20,5	134	20,5
2	Андижон вилояти	425	91,1	373	80,3	271	53,5	52	10,8	52	10,8
3	Бухоро вилояти	1 076	239,8	1 022	230,9	402	71,7	54	8,9	54	8,9
4	Жиззах вилояти	532	117,1	511	113,9	53	12,5	21	3,2	19	3,1
5	Қашқадарё вилояти	886	202,6	830	194,0	65	13,7	56	8,7	52	8,3
6	Навоий вилояти	309	59,1	147	32,7	17	2,5	162	26,4	162	26,4
7	Наманган вилояти	1 886	361,3	1 812	350,4	245	44,8	74	10,9	73	10,9
8	Самарқанд вилояти	654	135,1	623	129,5	1 210	298,2	31	5,6	31	5,6
9	Сурхондарё вилояти	579	128,1	554	122,5	396	94,3	25	5,6	24	5,4
10	Сирдарё вилояти	224	50,1	203	46,9	15	3,9	21	3,2	20	3,1
11	Тошкент вилояти	250	42,4	52	12,2	5	1,2	198	30,2	193	29,4
12	Фарғона вилояти	166	28,4	83	17,5	352	71,6	83	10,9	82	10,9
13	Хоразм вилояти	590	136,2	491	119,1	30	5,9	99	17,1	98	17,0
14	Тошкент шаҳри	1 016	250,2	634	166,0	302	68,0	382	84,1	378	82,7

2020 йил ва 2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган ресурслар	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан,							
					янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиламчи бозорга	
					сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ЖАМИ		3 191,2	13 017	2 780,6	11 625	2 534,4	3 370	суммаси	1 392	246,2	1 372	243,1
1	Ипотекабанк	1 053,7	4 686	984,8	4 290	918,7	992	214,4	396	66,1	385	64,0
2	Асакабанк	100,0	405	86,1	373	80,3	101	23,5	32	5,8	32	5,8
3	Миллийбанк	225,0	1 022	230,9	1 022	230,9	367	85,9				
4	Ўзсаноатқурилишбанк	187,6	821	171,8	511	113,9	115	26,0	310	57,9	310	57,9
5	Халқ банки	290,0	830	194,0	830	194,0	524	121,5				
6	Алоқабанк	37,5	147	32,7	147	32,7	34	7,7				
7	Қишлоққурилишбанк	470,0	2 040	390,9	1 812	350,4	459	89,4	228	40,5	228	40,5
8	Микрокредитбанк	165,0	623	129,5	623	129,5	208	42,2				
9	Агробанк	168,0	674	143,9	554	122,5	394	89,3	120	21,4	119	21,3
10	Туронбанк	79,5	275	61,8	203	46,9	47	11,1	72	15,0	68	14,3
11	Ипак Ўули банк	14,3	52	12,2	52	12,2	22	5,2				
12	Хамкор банк	67,7	317	57,0	83	17,5	22	5,0	234	39,6	230	39,3
13	Капитал банк	137,9	491	119,1	491	119,1	34	8,5				
14	Ориент финанс банк	195,0	634	166,0	634	166,0	51	13,4				

2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Худуд номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		хоналарга бўлинмаган квартиралар	
		аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси
ЖАМИ		3 698	787 427,1	222	44 679,7	1 793	329 799,9	1 517	375 615,8	138	30 392,3	28	6 939,4
1	Қорақалпоғистон Республикаси	133	26 186,9	7	1 328,6	104	19 257,8	22	5 600,5				
2	Андижон вилояти	472	97 931,1	11	1 510,8	232	43 676,6	176	44 970,9	53	7 772,8		
3	Бухоро вилояти	292	53 670,3	7	1 007,8	174	28 938,0	108	22 868,7	2	640,0	1	215,8
4	Жиззах вилояти	67	16 248,8	3	671,6	27	5 497,3	32	8 800,6	4	1 139,9	1	139,5
5	Қашқадарё вилояти	154	31 535,0	7	1 164,2	114	22 060,9	29	7 532,5			4	777,4
6	Навий вилояти	295	56 016,8	23	3 366,6	181	29 833,0	87	21 991,3	3	564,0	1	262,0
7	Наманган вилояти	306	53 873,0	4	568,5	133	21 617,8	163	30 206,1	3	892,5	3	588,1
8	Самарқанд вилояти	512	119 189,9	9	1 669,5	168	29 004,9	330	87 273,2	1	352,0	4	890,2
9	Сурхондарё вилояти	377	88 770,1	22	4 215,5	167	34 639,6	180	47 536,8	4	1 238,4	4	1 139,8
10	Сирдарё вилояти	34	8 567,5	1	191,2	18	3 774,6	15	4 601,7				
11	Тошкент вилояти	71	13 434,7	6	874,3	37	6 273,6	28	6 286,8				
12	Фарғона вилояти	435	87 352,4	3	357,3	206	34 086,5	185	42 816,7	40	9 930,6	1	161,3
13	Хоразм вилояти	84	14 911,5	1	139,0	44	7 118,9	33	6 552,8	6	1 100,7		
14	Тошкент шаҳри	466	119 739,2	118	27 614,9	188	44 020,5	129	38 577,2	22	6 761,4	9	2 765,2

2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Банк номи	Жами		шундан,									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 хонали ва юқори квартира		хоналарга бўлинмаган квартиралар	
		аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси
ЖАМИ		3698	787 427,1	222	44 679,7	1793	329 799,9	1517	375 615,8	138	30 392,3	28	6 939,4
1	Ипотекабанк	1433	304 189,6	93	16 885,9	662	120 500,2	563	142 927,4	111	22 729,1	4	1 146,9
2	Асакабанк	63	14 063,9	2	421,6	26	4 948,4	31	7 554,0	4	1 139,9		
3	Миллийбанк	177	40 215,5	17	3 053,4	50	9 151,8	110	28 010,3				
4	Ўзсаноатқурилишбанк	126	28 069,5	1	63,8	100	21 414,6	22	5 672,7	3	918,4		
5	Халқ банки	273	61 069,5	2	368,2	134	25 752,3	136	34 629,1	1	320,0		
6	Алоқабанк	36	8 277,1	6	954,2	11	2 320,6	18	4 650,2			1	352,0
7	Қишлоққурилишбанк	862	163 942,1	3	576,6	540	92 227,3	317	70 507,3	2	631,0		
8	Микрокредитбанк	227	47 182,7	17	3 680,6	90	15 842,7	95	22 278,8	8	1 856,7	17	3 523,8
9	Агробанк	195	42 900,9	2	267,6	65	11 203,0	124	30 146,4			4	1 284,0
10	Туронбанк	29	6 495,5	1	164,0	13	2 562,9	14	3 448,7	1	320,0		
11	Ипак Ёули банк	24	5 927,9	3	554,4	8	1 724,4	12	3 367,6			1	281,6
12	Хамкор банк	17	3 655,6			8	1 398,6	8	1 907,0	1	350,0		
13	Капитал банк	89	22 207,5	20	4 387,4	38	8 602,7	27	7 989,3	3	877,0	1	351,1
14	Ориент финанс банк	147	39 229,6	55	13 302,0	48	12 150,5	40	12 527,0	4	1 250,2		

2021 йил I чорагида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари
хисобидан ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
		аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси
ЖАМИ		1 059	183 592,2	2	503,8	1047	182 334,7	10	753,7
1	Қорақалпоғистон Республикаси	111	16 639,4			111	16 639,4		
2	Андижон вилояти	47	9 964,1			47	9 964,1		
3	Бухоро вилояти	50	8 403,5			50	8 403,5		
4	Жиззах вилояти	17	2 487,5			15	2 361,8	2	125,7
5	Қашқадарё вилояти	52	8 184,7			50	8 026,7	2	158,0
6	Навоий вилояти	127	20 934,9			127	20 934,9		
7	Наманган вилояти	56	8 580,9			56	8 580,9		
8	Самарқанд вилояти	25	4 822,8			25	4 822,8		
9	Сурхондарё вилояти	21	4 579,7	1	203,8	20	4 376,0		
10	Сирдарё вилояти	18	2 797,7			17	2 717,7	1	80,0
11	Тошкент вилояти	134	18 832,4			131	18 572,4	3	260,0
12	Фарғона вилояти	78	10 326,8			77	10 276,8	1	50,0
13	Хоразм вилояти	80	14 038,2			79	13 958,2	1	80,0
14	Тошкент шаҳри	243	52 999,6	1	300,0	242	52 699,6		

2021 йил I чорагида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан
ажратилган ипотека кредитлари

млн. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан,						
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун		
		аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	кредит суммаси	аризалар сони	қиймати	кредит суммаси
ЖАМИ		1 059	183 592,2	2	503,8	1047	182 334,7	10	1 224,4	753,7
1	Ипотекабанк	228	36 757,0			225	36 519,0	3	318,7	238,0
2	Асакабанк	32	5 766,5			32	5 766,5			
3	Ўзсаноатқурилишбанк	187	33 200,7			187	33 200,7			
4	Қишлоққурилишбанк	196	34 640,5			196	34 640,5			
5	Агробанк	110	18 711,4			109	18 631,4	1	301,3	80,0
6	Туронбанк	72	14 960,7	2	503,8	68	14 296,9	2	208,0	160,0
7	Хамкор банк	234	39 555,4			230	39 279,7	4	396,4	275,7